

ҚИРГЎЗСТАН РЕСПУБЛИКАСИ
КУТУБХОНАСИ
ТАДЖИКОТЛИК ИНСТИТУТИ

2007 ЙИЛ, 3 МАЙ, ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (10.893)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ёзувчи Теффи таваллудининг 135 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий кеча ва концерт томошаси «Тенгдош» маданият уйи, Ҳамза маиший касб-хунар коллежи қошидаги Ахборот ресурслари маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодиёт марказида туман халқ таълими бўлими, туман қасаба уюшма кенгаши ҳамкорликларида ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Истеъодларни излаймиз» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида аҳолининг Гендер борасидаги билимларини ошириш, жамият тараққиёти ривожига хотин-қизлар фаоллигини қўлайлаштириш мақсадида журналист аёллар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов якунларига бағишланган тадбир ўтказилди, хотин-қизлар фаолиятини ҳаёқ қилувчи «Опа-сингил сўхати ёхуд аёл наздида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида иқтисодий йўналишда таълим олаётган олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «Экономическая жизнь» журнали соврини учун ўтказилган кўрик-танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 18-мактабда ўқувчилар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Китобсеварлар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирлари-миз хабарларидан).

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҚОРХОНАЛАР ОРАСИДА «ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ «АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.

Мазкур корхона тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари самараси сифатида жамоа аҳлининг буюртмачилари сафи ортиб бормоқда. Масалан, айна ушбу мавсумда ҳам завод ишчи-хизматчиларининг янги модернизациядаги 4 ва 8 қаторли сеялкалари Тошкент вилоятининг пахта далаларида тажриба-синовларидан ўтказилмоқда. Ушбу сеялкалар сафдошларидан қатор афзалликлари билан ажралиб туради. У қишлоқ хўжалигида самарадор ҳисобланган туқли чигитни экишга мўлжалланган техника воситаси бўлиб пахта ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади.

Этиборли томони, жорий йилда мавсумий тажрибада яхши баҳо олган сеялкаларга республикамиз қишлоқ аҳли катта буюртма беради. Жумладан, ушбу тажрибани Туркменистон ва Қозғоғистон давлатларининг етакчи мутахассислари ҳам катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Боиси синов ижобий тугаган, улар ҳам буюртма учун шартнома тузишни режалашганлар. Мазкур корхонада бугунги



Иқтисодиёт



СИФАТГА ЭЪТИБОР

кунда 700 нафарга яқин тажрибали, касбини эъозловчи ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисмини етук мутахассислар ташкил этади. Ўз имкониятларини тўғри чамалаган жамоа аҳли буюртмаларга қараб 3 ой давомида 2, ҳатто 3 сменада ҳам ишни ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бунда асосий эътибор сифатга қаратилиши ҳам ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу заводнинг цехлари кейинги 5-6 йиллар ичида реконструкция қилиниб, замонавий компьютерлаштирилган бошқарувга эга бўлган ҳорижий дастурга, технологик линия ва ускуна билан жиҳозланган. Эндилкида четдан келтирилган нассослар ҳам корхонада тайёрланмоқда. Сифатли агрегатлар, сеялкалар ҳамда уларга керакли эҳтиёт қисмлар цехларда ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг турлари кўпайиб, 40 хилга яқинлаш-

ди. Эътиборли томони, ҳар бир маҳсулот йил сайин яъни маълум қисмлари ўзгартирилиб, тақомиллаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган жамоа аҳли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам режавий амалга оширилмоқда. Ички бозоримизда харидор эҳтиёж ва талабидан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган болалар велосипедлари, йиғма нарвон, телевизорлар учун столчалар, йиғма стул, уй-рўзғорда ишлатилган турли хилдаги анжом ва мосламалар сифати, бежиримлиги, ишлатишда қулайлиги ҳамда нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.


Завод маъмурияти томонидан ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилиб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, янгиликка ўч, ихтирочиликда ма-лакали ишчилар билан елкама-

елка ишлаётган ёшларнинг етук мутахассислар сафидан жой олишларига кенг имкониятлар яратилган. Ёшлар—кељағимиз эканлиги раҳбариятнинг диққат марказида.

Қисқаси, «Агрегат»чилар доимий изланишда. Жамоа аҳли янги маҳсулотлар яратиш иш-тиёрида меҳнат қилишмоқда, ўзларининг сифатли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалик машина ва агрегатлари билан иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўишни эзгу мақсад қилганлар.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида ҳорижий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида малакали ишчи-хизматчилар барча буюртмаларни сифатли, ўз муддатларида бажаришга эришмоқдалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар



— Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташриф қилиши кул устаслар моҳир курувчиларга катта ғайрат-шижоат бағишлади, — дейди Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳақимов. — Ҳозир мен сизга бир йилгитни таништираман. У ҳар бир устаю курувчини беш қўлдай билади. Ҳар бир гиштни қаердан олиб, қаерга қўйишгача, ҳатто бугун тушлиқда нима еди, нима ичишимизгача айтиб беради.

Бир зумда олдимиизда ўрта бўйли, котмагина, бугдойранг юзли, кўк ёшлардаги йилгит пайдо бўлди. У Ҳастимомдаги бутун курилиш-таъмирлаш ишларининг билимдон ва бошлиғи Қодир Қурбонбоев экан.

Биз Қодир билан мажмуадаги энг катта — бир пайтнинг ўзида бир неча минг киши намоз ўқийдиган масжид курилиши томон йўл олдик. Меҳнат кўтаринчилиги авжида. Бир ярим минг кишининг ичида бирортаси бекор эмас. Бино деворлари, миноралар, ўнг ва чап қанот заллар, гумбазлар тезкорлик билан қад ростламоқда. Чап қанотда шифтга сайкал бериш бошланибди.

— Устаслар қаердан? — сўрайман Қодирдан.

— «Уста» бирлашмасидан, Абдурахим ақанинг одамлари.

— Ҳорманлар, йилгитлар!

— Бор бўлинг, — дейди уларнинг бригадир Маҳмуд Қосимов.

— Ҳам сифатда, ҳам унумда ибрат кўрсатиб ишлаётган йилгитларингиз билан таништирсангиз?

— Қайси бирини айтсам экан? — Маҳмуд бир дақиқа ўйланиб қолди, сўнг сўзида давом этди. — Шавкат Расулов, Қаҳрамон Ваҳобов... Ғайрат ака бошлиқ бу йилгитларнинг ҳаммаси ишчан, баъзан кейинги сме-

ПОЙТАХТИМИЗ КУНДАН-КУНГА КЎРКАМЛАШИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ҲАФТАДА ЮРТБОШИМИЗ ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) МАЖМУАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, У ЕРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.

пайғамбарнинг қишлоғини билмайсизми? — Билмас эканман, — дедим ўзимни ноқулай сезиб. — Зиёратга боринг! — Худо хоҳласа.

Бу йилгитнинг исми Шарифжон, фамилияси Бибеов бўлиб, ёшлиқдан устасларга шогирд тушиб, бугунги кунда минора кўтардиган устага айланибди. Унинг ишини би-

нада ҳам қолиб ишлашади. Шифтда жилолана бошлаган нақшларга махлиб бўлиб турган эдик, бир киши келиб, биз билан саломлашди. — Бу киши бош энергетикимиз Незмат Тўраев, — деди Қодир. — Бутун объектни электр нури билан таъминлайди. Борди-ю, бирорта ходими ишда бир дақиқа панд берса ҳам, бутун объектада иш тўхтаб қолади.

Пайвандчилар бригада бошлиғи Толмас Дўстқобилов бизга ҳамкасбларининг ибратли меҳнатлари ҳақида фахрланиб гапирар экан, Шариф Эсонқулов, Абдуваҳоб Абдурахмонов, Рауф Қурбонбоевдек йилгитларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳар бири 54 метр узунликда қад ростлаётган иккита баланд минора олдиде тўхтаимиз.

— Ака, мен Самарқанднинг Нурободиданман, — дейди моҳирлик билан гишт тираётган ўттиз ёшлардаги бир йилгит ва сўзида давом этади:

— Оқсарой қишлоғини эшитганмисиз?
— Йўқ.
— Қандай қилиб, нега? Ҳазрати Довуд

роз кузатгач, маҳоратига тан бердик. Муқаддас Усмон Қуръони сақланадиган хона тайёр. Кенг, ёруғ, озода. Тўртта устун ўрнатилибди. Бутун хонага чиройли сайкал берилган. Қадимий китоблар, қўлёзмалар, умуман, тарихий, диний, илмий, маърифий аҳамиятга эга бўлган асарлар учун махсус жойлар жиҳозланибди. Бир сўз билан айтганда, Усмон Қуръони сақланадиган жой ноёб кутубхонага айланадиган бўлди.

Тилла шайх масжиди шу даражада юксак дид ва катта маҳорат билан таъмирланибдики, унинг бундан атиги икки ой олдинги манзараси тамомила ўзгариб кетибди. Бирок чиройли сайкал бериш жараёнида асл ҳолати сақланиб қолган.

Шунингдек, қисқа вақтда Бароқхон мадрасаси таъмирдан чиқди, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасига янги бино қуриб берилди, мажмуани қамраб олган бутун худудга пишиқ гишт ётқизилди, шу ердаги маҳалла оқсоқолларига янги бино совға



қилинди, бир қанча уйлар таъмирланди, муҳтожларга ёрдам кўрсатилди.

Кун бўйи мажмуадаги қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларининг боришини, меҳнат кўтаринчилиги ва жўшқинликини кузатар эканмиз, сўзсиз, бизни бир ярим минг кишининг ҳар бир хатти-харакатини кузатиб, баҳолаб, бошқариб туришдек катта масъулиятни ўз зиммасига олган Қодир Қурбонбоев билан яқиндан танишимиз келди.

— Мен 1964 йилда туғилган бўлсам-да, аслида мустақиллик фарзандиман, — дейди у. — Чунки Истиқлол арафасида Тошкент политехника институтининг фуқаросанот курилиши факультетини битирдим. Хотира майдони, тарих музейи, Марказий банк, МДУнинг Тошкент филиали бинолари ва бошқа жойлардаги қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларида қатнашдим. Ана шу жараёнда жуда кўп тажрибали курувчилар ва таникли устаслар билан танишиб, улардан кўп нарсэ ўргандим. Ана шу ўрганганларим ҳозир жуда-жуда асқотапти.

Қодирнинг қишлоқ йилгитларига хос жайдарчилиги, одоби, кўнгли очиклиги ҳар қандай кишида яхши таассурот қолдиради.

Хайрлашим олдидан у мени ошга таклиф этди. Маълум бўлишича, курувчилар учун ҳар кун камиде 300 килолик гуруч дамланар экан. Бундан ташқари, икки сменада 3 маҳал иссиқ овқат ҳам тайёрланади.

Мажмуадан қайтар эканмиз, қутлуг қадамжолари қайтадан қад ростлаётган ва таъмирланаётган юртимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин, деган ўй кенди кўнглимиздан.

ИБРОХИМ НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс».

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга Япониянинг «Иточу Корпорейшн» корпорацияси ижрочи вице президенти Йоката Акира раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Сафар давомида «Иточу Корпорейшн» томонидан «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятининг 8 фоиз акциялари олди-сотдиси бўйича шартнома имзоланди.

● Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан Қашқадарё вилояти ўлкани ўрганиш музейида 9 май —Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Кўнгилдан кўчган ранглар» мавзусида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

● Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси кўрик-танловининг бошланғич таълим ва тарих фанлари бўйича йил ўқитувчисини аниқлаш баҳсларининг республика босқичи Наманган шаҳридаги 58-ихтисослашган мактабда бўлиб ўтди. Унда Наманган шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Марғуба Миржалилова бошланғич таълим ва Хатирчи туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Юлдуз Йўлдошева тарих фани бўйича голибликни қўлга киритишди.

● «Экосан» халқаро экология ва саломатлик ташкилотининг автопоезди Жиззах вилоятига келди. Умумий қиймати 30 миллион сўмликка яқин юк ортилган автомашиналар Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига, махсус мактаб-интернатларга йўл олди.

● Бухородаги «Бухоро-Палас» меҳмонхонасида «Ижтимоий-сиёсий модернизациялашнинг ҳозирги замон тажрибаси ва барқарорликни таъминлаш масалалари» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Урганч политехника ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида «Оилаларда соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда республика Мудофаа вазирлиги ҳамкорликда «Армия—ҳаёт мактаби» китобини чоп эттирди. Ушбу китоб нафақат офицерлар, балки ҳарбий хизматга отланаётган йилгитлар учун ҳам фойдали қўлланма бўлади.

● Ҳоразм вилоятидаги «Она ва бола» скрининг марказида репродуктив саломатликнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Франция президенти учун ўтказилган биринчи тур сайловларида ютқазган Жан-Мари Ле Пен ўзининг тарафдорларига мурожаат қилиб 6 майга белгиланган иккинчи тур сайловларида катнашмаслигига чакирди. Унинг фикрича, Саркозе ҳам, Руаяль ҳам сайловлар ишончини қозона олмайди.

● Вашингтонда бир кунда 2 та тарихий бино ёниб кетди. Тилсиз «ёв» бир неча соат ичида 134 йил аввал қурилган Шаркий бозор ва Жоржтаун жамоатчилик кутубхонаси филиали биноларининг кулини кўкка совурди. Ўт ўчириш хизмати раҳбари Деннис Рабиннинг таъкидлашича, ҳозирда бу икки воқеа ўртасида қандай боғлиқлик борлиги текширилмоқда.

● Афғонистонда Чехия дипломатик миссияси раҳбари Филип Вилаҳга суиқасд уюштирилди. Қобулдан 100 километр узоқликда тан соқчилари ҳамроҳлигида кетаётганида унинг машинаси ўққа тутилди. Натижада икки кўрикчи жараҳатланди, лекин элчи жабр кўрмаган.

● «Citigroup» инвестицион банк 7,7 миллиард долларга Япониянинг «Nikko Cordial» молиявий брокерлик компаниясининг 60 фоизлик акциялар пакетини сотиб олганини маълум қилди. Компанияда бошқарув кўмитаси ҳам тузилди. Манбада айтилишича, «Nikko Cordial»нинг мазкур акциялари Токио биржасида сотилган.

● Саудия Арабистони жарроҳлари Камерунда туғилган 13 ойлик сиам эгизакларини муваффақиятли ажратишди. Ар-Риёдда ташкил қилинган ушбу мураккаб операция 12 соат давом этиб, унда 65 нафар мутахассис иштирок этган.

● Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг ўз маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган атроф муҳитни ҳимоя қилишга доир 127 бандан иборат лойиҳани эълон қилди. «Яқин 20 йил ичида аҳолиси яна бир миллион нафардан ортадиган шаҳарнинг экологик муҳити ҳақида қайғуриш лозим»,— дейди мэри ўз лойиҳаси билан таништар экан.

● Каспий денгизида оммавий тарзда тюленлар нобуд бўлмоқда. Денгизнинг Қозоғистондаги қирғоғида 819 та тюлен ўлик ҳолда топилган. Ҳозирда ушбу денгиз жониворининг қирилиб кетишига ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлаётгани тахмин қилинмоқда.

● Европанинг 11 нафар астрономи Чили худудидаги обсерватория ёрдамида Кўёш тизимидан нарида—Мезон буржида янги сайёрани кашф этдилар. «Gliese 581» деб номланган ушбу сайёра Ердан 5 марта оғир бўлиб, ундан 2,5 ёруғлик йилига тенг узоқликда жойлашган. Сайёрага етиб бориш учун инсон умри етмайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 4 май кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

ТАДБИРКОР

БОЛАЛИКНИНГ ҮЗИ БИР ОЛАМ. АНА ШУ ОЛАМНИНГ БЕГУБОР ОНЛАРИДА ЖАЖЖИ ҚҮЛЛАРИДА ҚАЛАМ ТУТИБ СУРАТ ЧИЗМАГАН БОЛАКАЙ БЎЛМАСА КЕРАК. У ҮЗ ТАСАВВУРИДАГИ НАРСАЛАРНИ ҚОҒОЗГА ТУШИРАР ЭКАН, УНДАН БИР ОЛАМ ЗАВҚ ОЛАДИ. АЖАБМАС, АНА ШУ ЗАВҚ, ҚИЗИҚИШ УНИНГ КЕЛГУСИДАГИ ИЖОД ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРСА. АЛБАТТА, БУНИНГ УЧУН ПУХТА БИЛИМ, ТАЖРИБАЛИ УСТОЗЛАР ҮГИТИ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган миниатюрчи рассом Азимжон Алибеков ҳам ана шундай болаликдаги орзусига интилиш ва меҳр-муҳаббати билан эришган, устозлари ўғитига амал қилиб, уларнинг кетидан эргашган, кунт ва чидамни ўзида муҳасам этган хунари гўзаллардан саналиб, бугунги кунда у ўзи яратган бетакрор асарлари ва ашёлари билан эл-юрт олқишини олаётган, одамларга завқ-шавқ улашаётганлар сирасига кирди. Унинг бекиёс изланишлари самараси саналган «Буюк ипак йўли», «Карвон», «Қизлар базми», «Ўтган кунлар», «Ибн Сино», «Севги», «Табиат кўнида» сингари асарларини томоша қилиб миниатюрчи рассом маҳорати таъбир билан берасиз, албатта. Уларда миллий кадриятларимиз, шарқона ўрф-одатларимиз, аждоқларимиз тарихи, мустақил юртимиз камоли ёрқин акс этганки, беихтиёр калбингизда ажиб бир туйғу уйғониб, рассом

мўйқалами сеҳри жозибаларидан баҳраманд бўласиз. Албатта, Азимжон бу муваффақиятга қўлига қалам ёки мўйқалам тутган заҳоти эришгани йўқ. Балки у ҳаммиша ўз устида тинмай ишлади. Республика рассомлик коллежидан тахсил олган вақтлари унга муаллимлар тўғри йўл кўрсатган бўлса, Камолитдин Бехзод номидagi миллий рассомчилик ва дизайн институтида эса билим эгаллаш баробарида маҳорати ортиб, ўқиш ва

изланишни биргаликда олиб борди. Устозлари моҳир устозлар Жалолитдин Ашрапов, Жамшид Сайдалиев маслаҳатларига қулоқ тутди, ўз йўналишларида ўғитлардан оқилона фойдаланди. У 2001 йилда «Еш хунармандлар» кўрик-танловида муваффақиятли катнашиб, «Энг яхши миниатюрчи рассом» номини қўлга киритди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, аънаваний миллий-хунармандчилик санъатини жаҳон аҳлига намойиш

«Экспо-2005» ҳамда Франциядаги халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этди. — Азимжон Алибековни истеъдодли миниатюрчи рассом дея оламиз, — дейди унинг устози Жамшид Сайдалиев фахр билан. — Буни унинг асарлари, эришаётган муваффақиятлари яққол кўрсатиб турибди. Хар бир ишида Ватанга садоқат, халққа меҳру муҳаббат, миллий аънаваларимиз эъзозини уфуриб туради. У тинмай изланади ва албатта, излаганини асарларида топа олади.

Хозирда Азимжон «Мўъжас санъат» студиясида болалар уйда тарбияланаётган 80 нафардан зиёд болаларга хунар сирларини мукамал ўргатмоқда. Келгусидаги асосий режаридан бири эса шахсий кўргазмасини ташкил этиш бўлиб, ана шу мақсад йўлида саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Яна шунинг ҳам айтиш жоизки, Азимжон Алибеков тадбиркорлар ва хунармандларни эл-юртга танитиш ва рағбатлантириш мақсадида аънаваний тарзда ўтказилаётган Президентининг учун «Ташаббус» кўрик-танловининг ғолиблари сафидан ўрин олди. У жорий йилда ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг шахар босқичида «Энг яхши хунарманд» номини қўлга киритди, республика босқичида пойтахтимиз шарофати химоя қилиб фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. Аслида рағбат муваффақиятларга қорлайди, деб бежизга айтилмайди. Миниатюрчи рассом, уста хунарманд Азимжон Алибеков ҳам рағбатни ўзига билдирган юксак ишонч деб билиб, янгилар яратишга, бетакрор асарлари сафини янада кенгайтиришга бел боғлади.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: миниатюрчи рассом Азимжон Алибеков устози Жамшид Сайдалиев билан.

«Ташаббус — 2007» ғолиблари РАҒБАТ — БУ ЮКСАК ИШОНЧДИР



этиб, эътирофларга сазовор бўлаётганлар орасида Азимжон Алибековнинг ҳам ўз ўрни бор. У 2005 йилда Францияда ўтказилган «Ўзбекистон маданияти кунлари»да ўз ишларини намойиш этди. Японияда бўлиб ўтган

Кичик бизнес

ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИКАРУВИЧЛАР— ҲАМ УСТИДА ТИНМАЙ ИЗЛАНАЁТГАН, БОЗОРНИ ЕТАРЛИЧА ҲАМ ИШЛАШТАН, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҶТИҶИНИ ХИСОБГА ОЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ УЛУШЛАРИ САЛМОҚДА.

Европа инновацион технологиялари самарасидан унумли фойдаланган ҳолда жажжон андозалари даражасидаги макарон маҳсулотлари тайёрлашни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган «MAKIS BARAKA» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ўзларининг 3 йиллик фаолиятлари давомида ички бозорда муносиб ўрин топди. Бунинг асосий боиси маҳсулот сифати қаратилган эътибор ва муҳими маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиб харидор талаблари даражасидаги товар турларини кўпайтиришга аҳамият қаратилганлиги десак асло муболага бўлмайди.

Бугунги кунда корхонанинг эришган ютуғини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган «Макис» товар ёрлиғи макарон маҳсулотларининг ички бозорда етакчи ўринларда туриши, харидорлар бунинг эътирофи таътибидан яққол кўринмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида ишлаб чиқарилаётган макарон турлари 5 хилдан 25 хилга ортди, қадоклашга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Маҳсулотнинг барча турлари 500, 700, 800 граммлик ва 5 килограммлик пакетларда қадоклашиб, шартнома асосида савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Италия технологияларидан оқилона фойдаланиб тайёрланаётган макарон маҳсулотлари четдан келтириладиган мана шундай товар билан бемалол рақобатлаша олади.

— Маҳсулотларимизнинг харидор турларини кўпайтириш ҳамда ички ва ташқи бозорда му-

носиб ўрин эгаллаш мақсадида маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганмиз,— дейди корхона раҳбари Нурилло Содиков. — Хозирги пайтда инсон организмидан йод етишмаслиги асосий муаммолардан саналади. Ана шунинг ҳисобига олган ҳолда жамоамиз республикамизда биринчилардан бўлиб йодланган макарон маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам ушбу мақсадини қўллаб-қувватламоқда. Ушбу янги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйсақ, организмда йод танқислиги касаллигининг олдини олишга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшимизга аминимиз. Албатта, турли халқаро кўргазма ва савдо ярмаркаларида иштирокимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар топишимизга ёрдам бермоқда. Ўтган йилда Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган «2006 йилда Ўзбекистон бозоридида» энг яхши маҳсулотлар» деб номланган халқаро кўргазмада муваффақиятли катнашиб, олий мукофот— олтин медалга сазовор бўлдик. Шунингдек, пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ва қадоклаш технологиялари» халқаро кўргазмасида ҳам сифат сертификати соҳиби бўлдик. Буларнинг барчаси бизни янада тадбиркорлик билан изланишга, юртимиз иқтисодий ривожига муҳим улуш қўйишга ундайди. Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг тадбиркорлик ривожига қаратган юксак эътибори, бу борадаги қатор Фармон ва Қарорлар бизга қанот бағишлайди, фаолиятимиз эркинлигини таъминлашда, ҳақ-ҳуқуқларимизни химоя қилишда, имтиёزلардан самарали фойдаланишда беқеъс аҳамиятга эгадир.

Харидор дид ва талаби ортиб бораётган бугунги шароитда ўз ишлаб чиқаруви изланишдан чарчамаслиги муваффақиятларга гаров бўлиши, шубҳасиз. Шу боис ҳам корхона тадбиркорлари ҳам ана шунга қатъий амал қилган ҳолда маҳсулотнинг янги-янги турларини

Давлат иқтисодий университети (илгариги Халқ хўжалиги институти) сирдан битириб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллади. 1971 йил эса иқтисод фанлари номзодлик диссертациясини химоя қилди. Дастлаб Қорақалпоғистон Республикасида сўнгра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонига сазовор бўлган. Муртазо Султоновни халқимиз бинокор-муҳандис, олим, иқтисодчи ва яна журналист сифатида эъзозлайди.

Биз эса бугунги кунда муборак 70 ёшини қаршилаётган тиниб-тинчмаса, заҳматкан инсон Муртазо Султоновга умр йўлларингиз бундан-да чароғон, нурафшон ва сермазун бўлсин, фарзандларингиз, набираларингиз бахту-иқболидан кўнглингиз яйраб яшаш сизга насиб этаверсин, қутлуг ёшингиз муборак бўлсин дея ният билдириб қоламиз.

аҳоли дастурхонига тортиқ этиш ниятида меҳнат қилмоқда. Улар жорий йилда полуфабрикатлар, асосан чумвара тайёрлашни йўлга қўйишмоқчи. Туркия ва Хитой давлатларидан қадоклаш линиялари келтириш эвазига маҳсулотнинг янада бозорбоплигини таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, улар ўз рақобатбардор маҳсулотларини жажжон андозалари даражасида қадоклаб, қўшни Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларига экспорт қилишга интилишмоқда. Италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш асосида юксак унумли техника ва технологиялар қувватидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Яқин кунларда эса харидорларга қўлайлик яратиш мақсадида фирма дуқонини ишга тушириш мўлжалланган бўлиб, унинг хизматидан аҳоли, албатта, мамнун бўлади.

2006 йилда мамлакатни иқтисодий иқтисодиёт ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни қўрғаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида Президентимиз Ислам Каримов хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш борадидаги ишларимизни хар томонлама қўлайлигини энг муҳим устувор йўналишлар қаторида алоҳида таъкидлади. «Энг муҳими четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш—бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодий тизим барпо этиш ва жажжон бозорда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлиш демократия», деди. Бундан тўғри хулоса чиқарган «MAKIS BARAKA» корхонаси ҳам маҳсулот рақобатбардорлигини, экспорт ҳажмини оширишни мақсад қилган ҳолда хориж инвестициясини жалб этишга саъй-ҳаракатини бошлаб юборибди. Бу, албатта корхонанинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи «Макис» маҳсулотларининг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга катта ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА



САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бунун хамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказини асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини хар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Уйғаймизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўйиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб топилди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТПР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

Санъат РАҒНАТАСВИР УСТАСИ

ҒАФУР ҚОДИРОВ ЗАМОНАВИЙ ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Узоқ изланиш ва ҳаракатлари натижасида реализм мусаввир ижодида янги қирралар билан намоён бўлди. Унинг пластик ечим, кўп асрлик Шарқ тасвирий санъати замонавий талқинида тарангум этилди. Рассом асарларидаги ижодий гўзаллик унинг руҳияти, ҳис-туйғуларининг ёрқин талқини ҳаётнинг тасвирий санъатдан йироқ бўлган кишиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Албатта, булар ижодкорнинг тинимсиз меҳнати ва заҳмати самарасидир.

Ғафур Қодиров 1958 йилнинг 28 декабрида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ёш Ғафурда истеъдод борлигини сезган ақинлари уни уша вақтдаги Республика пионер ва ўқувчилар саройининг тасвирий санъат тўғрагага олиб бордилар. бўлажак мусаввир илк ижодий кўникмаларни шу ерда эгаллади.

1977-1978 йилларда П.П.Бенков номидagi Республика бадий билим юртида, 1978-1984 йилларда В.И. Суринов номидagi Москва Давлат рассомчилик институтининг маҳобатли рағнатасвир бўлимида тахсил олди. У 1985 йилдан 2000 йилларга қадар Камолитдин Бехзод номидagi миллий рассомчилик ва дизайн институтида дарс берди. 1991-1996 йилларда маҳобатли ранг тасвир кафедрасига бошчилик қилди.

Моҳир мусаввир 1988 йилдан шу вақтгача Халқаро кўргазмалар иштирокчисидир. Айниқса, 1991 йилда Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган шахсий кўргазмаси унинг ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди. Ғафур ўзбек рассомчилик мактаби вакилининг Ғарба кўринган илк қалдирғочи эди. Жаҳон санъати пойтахтининг қўллаб-қувватлаган чизилган галерея ва бадий салонларидан иборат бўлварлари, бутун бошли даҳалари ажиб бир манзарада эди.

Ғафур Қодиров асарларини томоша қилар экансиз, қандайдир ажиб бир сокинлиқни ҳис этасиз. Унинг картиналари учун кескинлик ё бир драматизм бегона. Асарлар сизни гоҳ узоқ мўйизга қорласа, гоҳ инсон руҳий ҳолатини гўзал оларидан сўзлайди. Айниқса, «Гурганча», «Тонг», «Бухородаги кўча» картиналарини кузатиб ўзингизни бошқа бир оламда ҳис этасиз. «Нафосат», «Парвоз», «Лайли ва Мажнун» каби асарлари эса кишига ором берувчи шоирона оҳангда талқин этилган. Мазкур санъат намуналари ҳуқур фалсафий руҳ билан суғорилган.

Мусаввир ўзи яратётган ранглар оламини донишмандларга акс эттирган хар бир ранг, хар бир бўлак ва деталлар узоқ уйғунликда, ҳамоханликдадир. Рамзийликдан иборат ушбу асарлар сизни эзгуликка, ватани эъзозлашга, муҳаббатини авайлашга қақиради.

Ғафур Қодировнинг картиналари бугунги кунда Ўзбекистон Бадий Академиясининг кўргазмалари дирекциясида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида, шунингдек Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Буюк Британия, Франция, Испания, АКШ, Сингапур, Туркия, Швейцария каби мамлакатларнинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Табиатан камтар, жиддий ва очик кўнгли қаҳрамонимизнинг ижод олами узра парвози янада юксак ва узоқ давом этишига тилақдошимиз.

Дилрабо ОБИДОВА

Транспорт Йўналиш Янги Номда

АҲОЛИГА НАМУНАЛИЙ ТАШКИЛ ХИЗМАТИ КўРСАТИШ МАҚСАДИДА ЯНГИ Йўналишлар Ташкил Этилмоқда. АВТОБУСЛАРДА ЙўЛВЧИЛАР ТАШИШ БОРАСИДА ҲАМ ЮТУҚЛАР ҚўЛГА КИРИТИЛМОҚДА.

Бу борада пойтахтимиздаги 8-сонли автосарой очик акциядорлик жамияти ҳам тадбиркорлик билан иш қилмоқда «Юнусобод» мавзеси, 12-даха—Педуниверситети» оралигида ҳаракатланаётган такси йўналишидан ҳам йўловчилар мамнун бўлмоқда.

Ушбу 92-минчи автобус йўналиши масофаси узайтирилиши ҳам аҳолига қўлайлик туғдирди.

Эндиликда янги йўлга қўйилган 136-автобус йўналиши қўшимча транспорт воситалари билан таъминланди.

Шу муносабат билан автобусларнинг тўхташ бекатлари сони ортди.

Ақбар АЛИЕВ

Заҳматқашларимиз УМР МАЗМУНИ

ИНСОН БУ КўХНА ОЛАМДА ЯШАР ЭКАН, АВВАЛО ЭЗГУЛИК САРИ ИНТИЛАДИ. ҲАМ ҲАМ УМР ЙўЛАРИГА НАЗАР СОЛАР ЭКАН УНДА ФАҚАТ ЯХШИЛИК, МЕҶРУ—МУҶАББАТ, ЗАҲМАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ МЕҶНАТ ШУКУХИНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАГИСИ КЕЛАДИ. ЖАМИЯТИМИЗДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, УЛАР ҲАЭТИ ҲАММА УЧУН БИРДЕК ИБРАТЛИДИР. УЛАР ҲАЭТИНИНГ МАЗМУНИНИ ФАҚАТ ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, КАШФИЁТЛАР ЯРАТИШ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ЙўЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ДЕБ БИЛАДИ.

Мақоламиз қаҳрамони Муртазо Султонов ҳам ўзининг меҳнати, изланишлари боис элнинг олқиши ва меҳрига сазовор бўлган ана шундай тиниб-тинчмас инсонлардан биридир. У умрининг хар бир лаҳзасини меҳнат қилишга, изланишга, одамлар оғирини енгиб қилишга бағишлаб яшаб келмоқда.

У Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институтининг «Саноат ва фуқаролик қурилиши» факультетини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг, бутун билим ва кучини бинокорликка бағишлади. Оқдй қурилиш устаси, муҳандисликдан катта ва кенг микёсдаги қурилиш ишларига раҳбарлик лавозимларига кўтарил-



юритди. Ва ушбу даврда республикамизнинг деярли барча вилоятларида мактаб, боғчалар, олий ўқув юрлари, коллеж ва лицейлар қурилишида фаолият кўрсатди. Доимий изланишда бўлган, ҳаётининг мазмунини меҳнат қилиш ва эзгулик йўлида хизмат қилишдан иборат деб билган бу камтар инсон, иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда Тошкент


ди. Муртазо Султонов иш фаолияти ва ҳаёти давомида ўзининг моҳир бинокор, изланувчан раҳбар эканлигини исботлади.

1990 йилдан бошлаб эса, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Ва ушбу даврда республикамизнинг деярли барча вилоятларида мактаб, боғчалар, олий ўқув юрлари, коллеж ва лицейлар қурилишида фаолият кўрсатди. Доимий изланишда бўлган, ҳаётининг мазмунини меҳнат қилиш ва эзгулик йўлида хизмат қилишдан иборат деб билган бу камтар инсон, иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда Тошкент

Давлат иқтисодий университети (илгариги Халқ хўжалиги институти) сирдан битириб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллади. 1971 йил эса иқтисод фанлари номзодлик диссертациясини химоя қилди. Дастлаб Қорақалпоғистон Республикасида сўнгра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонига сазовор бўлган. Муртазо Султоновни халқимиз бинокор-муҳандис, олим, иқтисодчи ва яна журналист сифатида эъзозлайди.

Биз эса бугунги кунда муборак 70 ёшини қаршилаётган тиниб-тинчмаса, заҳматкан инсон Муртазо Султоновга умр йўлларингиз бундан-да чароғон, нурафшон ва сермазун бўлсин, фарзандларингиз, набираларингиз бахту-иқболидан кўнглингиз яйраб яшаш сизга насиб этаверсин, қутлуг ёшингиз муборак бўлсин дея ният билдириб қоламиз.

Гулҷеҳра ДУРДИЕВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Хар башарга бир малак ҳамроҳ эрур,
Хар нечук кунларда ул оғоҳ эрур.

Гар урарсен бир муносиб ишга кўл,
Жон чекарсен кетмагай деб кўлдан ул.

Тийра рангли тун эрур некликка ёр,
Оби ҳайвон ҳам қоронғуликка ёр.

Уйку мурда лукмасига ёр эмши,
Хўжа ухлар эрса, бас, ўғрига — иш.

Қахр этар чоғида раҳм кимнинг иши?
Аждаҳога шафқат айларми киши?

...тикандандир магар гўл барги ҳам.

Чоғга тушмиш улки, чоҳнинг сабри йўк,
Ўз гуноҳи ул, Худонинг жабри йўк.

Бас қилай, чун сўз агар афзун бўлур,
Ул жигар недирки, тош ҳам хун бўлур.

Богбон бачки бутокларни бутар,
Гуркираб хурмоси кўкка юз тутар.

Оғриган тишни олиб ташлар табиб,
Токи оғриқдин кутулсин деб хабиб.

Кўзи очик ҳар киши билгай бун:
Кимки қотилдир, у — тақдир тутқун.

Бандаларга таъна отгайсен чунон,
Сенга ҳам таъна етур, эй кунон.

Кимки кургай, ул йиқишни ҳам билар,
Кимки йиртгай, ул тикишни ҳам билар.

«Ема ширинни», дейишдир расми панд,
«Емагил аччик»қа хожат бормикан?

Юзга сен тутсанг агар заррин ниқоб,
Сенга, бас, заррин кўрингай офтоб.

Тиғи ҳилм, билсанг, қилиқдин тез эрур,
Юзга кўшинга ўзи устун келур.

Эй биродар, қил ўзинга эътибор,
Сендадир ҳар дам хазон бирла баҳор.

Ҳар неча единг, барин бер қайтариб.

Гулдайин юзга ярашгай ишва-ноз,
Гул юзинг йўк эрса, эт нозингни бас.

Ул хунук юз номи мудҳишдир фақат.

Ҳеч кўкаргайму баҳорда тош-санг.
Улки тупрок, гул кўкаргай ранг-баранг.

Авлиёлар кўнглидин учган наво,
Муътақидларга ҳаётдир бебаҳо.

...кўнгли сози... кўркам эрур.

Гар кўнгли боғида бир хас кам бўлур,
Бир эмас, оқилда минг бир гам бўлур.

Эйки сен, Сохибхобдин беҳабар,
Тавба қилгонинг гуноҳингдин батар.

Кечмишингдин тавба айларсен чунон,
Тавбалардин тавба қилгайсен қачон?

Хайри худойи қилганлар кибр-хаво йўлида исроф этувчилар эмас, балки Худо йўлида жиҳод этувчилардир.

Ихтилоф йўл ҳақиқати устида бўлмай,
Балки қайси йўлдан бориш хусусида.

Жаҳду жадал таваккалдан устун.

Қазо етганда кўзлар кўрмас бўлиб қолади.

Кўлингдан келмайдиган ишни сўзлама.

Ўз мақоминдан ошириб сўз айтиш сенга зиён келтиради.

Фақирларга паст назар билан боқма.

Ҳар кимнинг ҳаракати эғаллаб турган ўрнига боғлиқ.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт

ТОШКЕНТЛИКЛАР МАРРАДА!

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎСМИРЛАР ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ВЕЛОТРЕК БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ.

Ёшлар беллашувида 25 нафар спортчи голиблик учун куч синашди ва барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган спортчилар — Дмитрий Меликов, Ярослав Малахов ва Роман Дронинга насиб қилди.

Ўсмирлар ўртасидаги тўрт босқичли беллашувларда 19 нафар велопоёгачи ўзaro беллашди. Мусобақа якунига кўра, пойтахтлик Темур Ямбулатов шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилган бўлса, қолган совринли ўринларни Намангандан келган Артур Халилов ва Тошкент шаҳрининг яна бир вакили Алексей Рафиков эгаллади.

ҚИЛИЧБОЗЛАР БАҲСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ҚИЛИЧБОЗЛИК БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР РАПИРА, ШПАГА ВА САБЛЯ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Эркаклар ўртасидаги саблядаги беллашувларда пойтахтлик спортчилардан Константин Коновалов, Рустам Иброҳимов, Исқандар Обидхўжаев ва Никита Силантьев тенгсизлигини исботлаб, барча медалларни кўлга киритдилар.

Шпагада ўтказилган баҳсларда ҳамшаҳримиз Рустам Дўстмуҳаммедов финалда наманганлик Роман Александровни мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллади. Моҳир қиличбоз рапира беллашувларида кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, эркаклар ўртасида пойтахт вакилларидан Исқандар Баширов ва Рустам Қурбонов бронза медалга сазовор бўлди.

Чемпионат давомида хотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизиқарли бўлди. Рапира беллашувларида тошкентлик қиличбозлардан Аида Хақимуллинага кумуш, Надежда Соколова ва Маргарита Андреевага бронза медаллари топширилди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти) нинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш кўйилади.

Ўтказилаётган конкурснинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 3-уй) 2007 йил 10 май кунидан ҳар кун соат 10.00 да бошланиб то соат 17-00 га қадар амалга оширилади.

1) С.Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 11 июнь кунлари;
2) Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 15 июнь кунлари;
3) Сергели, Яқкасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 19 июнь кунлари танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича голиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов голибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Куйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арасида бўлган;
— олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
— охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда голиб чиқишнинг асосий мезонлари:

— истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
— мол-мулкнинг сақланишини, туркумлини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуналарнинг мавжудлиги);
— мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;
— мавжуд яроқли техникаси;
— ходимларининг малакаси ва иш таж-

рибаси;
— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирамасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;
- савдо ташкилотидан назорат касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуналарнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
- талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирамаси миқдори тўғрисида таклиф (10% дан кўп бўлмаган миқдорда).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаркат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда рас-

миёлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмиёлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатларни Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси би-

носидан (Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 3-уй, тел: 142-50-66, 142-36-49, 142-16-38) Комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов»га деган белги билан юборилиши керак.


Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Адлия Вазирлигида 2006 йил 29 декабрь куни 1649-сон билан рўйхатдан ўтган «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тўғрисида» Низомига асосан Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ўтказилган танловда Тошкент шаҳар Яқкасарой, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Сергели, Чилонзор, Юнусобод ва Бектемир туманлари бўйича қуйидаги савдо ташкилотлари голиб деб топилди.

Савдо ташкилотларининг рўйхати

№/р	Савдо ташкилотининг номи	Жойлашган жойи	Почта манзили
1	«Утрон» хусусий корхонаси	Тошкент ш. Чилонзор тумани, 19-даха 16-уй	Тошкент ш. Чилонзор тумани, 19-даха 16-уй
2	«RETRO UNIVERSAL» МЧЖ	Тошкент ш. Чилонзор тумани, 5-даҳаси, Х.Дўстлиги кўчаси 1-уй	Тошкент ш. Чилонзор тумани, 5-даҳаси, Х.Дўстлиги кўчаси 1-уй
3	«Ойбек-Квебек» МЧЖ	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 16-уй	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 16-уй
4	«ТИПЧИК SKY» хусусий корхонаси	Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 6-уй	Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 6-уй
5	«Янгиобод-Барақа» Ш.К.	Тошкент ш. Ҳамза тумани, Толариқ кўчаси, 1-уй	Тошкент ш. Ҳамза тумани, Толариқ кўчаси, 1-уй
6	«Мир Барақа Савдо» МЧЖ	Тошкент ш. Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уй	Тошкент ш. Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уй
7	«Фозил-Низом» МЧЖ	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, У.Носир кўчаси, 57-уй	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, У.Носир кўчаси, 57-уй
8	«DIL-ROZI» хусусий корхонаси	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75 «А»-уй	Тошкент ш. Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75 «А»-уй
9	«Юнусобод-Саховат» МЧЖ	Тошкент ш. Юнусобод тумани, 19-даҳаси Теша Зоҳидов кўчаси	Тошкент ш. Юнусобод тумани, 19-даҳаси Теша Зоҳидов кўчаси
10	«AYUVAZOV SAVDO» МЧЖ	Тошкент ш. Юнусобод тумани, О.Зоҳиров кўчаси, 8-уй	Тошкент ш. Юнусобод тумани, О.Зоҳиров кўчаси, 8-уй
11	«Карнаб-Бизнес» МЧЖ	Тошкент ш. Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси, Қўйлик буюм бозори худуди	Тошкент ш. Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси, Қўйлик буюм бозори худуди
12	«Газ-Мелла» МЧЖ	Тошкент ш. Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси, Қўйлик буюм бозори худуди	Тошкент ш. Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси, Қўйлик буюм бозори худуди
13	«Гузл-Жайхун» Х.Ф.	Тошкент ш. Бектемир тумани, Водник даҳаси Х.Бойқаро кўчаси, 68-уй	Тошкент ш. Бектемир тумани, Водник даҳаси Х.Бойқаро кўчаси, 68-уй



Сўлим оромгоҳларда маданий ҳордиқ олиш қандай соз-а...



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Очик аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги № 10-0617/4020-сонли хал қилувчи қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган «МЕДИТЕКС» масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Дилкаш кўчаси 2-уйда жойлашган, Ишлаб чиқариш ягона мажмуаси, нархи арзонлаштирилган ҳолда тақри-

ран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси—610 000 000 сўм. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 5,12,19,26 июнь кунлари соат 11-00 да, ушбу ягона Ишлаб чиқариш мажмуаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун та-

лабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 399-79-52, 399-84-48. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2884 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6